

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.08/2025.27.12.V.11.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

МИРСАИДОВА РАЪНО РАВШАНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛТИРИЛАЁТГАН ТОВУҚ КРОССЛАРИНИНГ
МОРФОФИЗИОЛОГИК ВА ИММУНОМОСЛАШУВ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ**

**16.00.03-Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,
микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по ветеринарным наукам**

**Content of abstract dissertation doctor of philosophy (PhD)
on veterinary sciences**

Мирсаидова Раъно Равшановна

Ўзбекистонга келтирилаётган товуқ кроссларининг морфофизиологик ва
иммуномослашув кўрсаткичларини тадқиқ этиш.....3

Мирсаидова Раъно Равшановна

Исследование морфофизиологических и иммуноадаптивных параметров
кроссов кур, завозимых в Узбекистан.....23

Mirsaidova Rano Ravshanovna

Study of Morphophysiological and Immunoadaptive Parameters of Chickens
Crosses Imported into Uzbekistan.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.08/2025.27.12.V.11.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**


**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

МИРСАИДОВА РАЪНО РАВШАНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛТИРИЛАЁТГАН ТОВУҚ КРОССЛАРИНИНГ
МОРФОФИЗИОЛОГИК ВА ИММУНОМОСЛАШУВ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ**

**16.00.03-Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,
микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



Самарқанд – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3 PhD/V67 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ssuv.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyoNet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Рузикулов Раҳматулло Файзуллаевич
ветеринария фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: Давлатов Равшан Бердиевич
ветеринария фанлари доктори, профессор

Ахмедов Баходир Назарович
ветеринария фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: Ветеринария илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.08/2025.27.12.V.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «22» 01 соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: (99855) 707-76-86; e-mail: ssuv@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 14351 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140103, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: (99855) 707-76-86.

Диссертация автореферати 2026 йил «09» 01 кун тарқатилди.
(2026 йил «09» 01 даги № 03 рақамли реестр баённомаси).



Х.Б.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ранси, биол.ф.д., профессор

К.Х.Уроков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котэби, вет.ф.д. (PhD)

Қ.Н.Норбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар рани, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли сони кескин ўсиб бораётган, қишлоқ хўжалиги ресурслари чекланган ва йилдан-йилга қисқараётган даврда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тобора долзарб муаммога айланиб бормоқда. Шунинг учун паррандачилик соҳаси жаҳон миқёсида қишлоқ хўжалигининг муҳим йўналишларидан бирига айланиб, дунё бўйича истеъмол қилинадиган барча гўшт маҳсулотларининг тахминан 35 фоизни парранда гўшти ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, дунё бўйича паррандачилик маҳсулотлари, жумладан парранда гўшти ва тухумига бўлган глобал талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу сабабли паррандачиликда соҳани интенсив равишда ривожлантириш, паррандаларнинг маҳсулдорлик имкониятларини янада ошириш ҳамда сифатли парранда маҳсулотларини ишлаб чиқаришни қўллаб қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Дунёнинг кўп мамлакатларида паррандачиликни тез суръатларда ривожланишида, иқлим шароитларига мослашган товуқ кроссларининг морфофизиологик ва иммуномослашув хусусиятларини ўрганиш глобал озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида генетик ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш учун товуқ кроссларининг иммуномослашув механизмларини қиёсий таҳлил қилиш, иқлим ўзгариши шароитида кроссларнинг турли шароитларга мослашув даражасини баҳолаш дунё паррандачилик индустрияси учун стратегик аҳамият касб этади. “Юқумли касалликларнинг трансчегаравий тарқалиши хавфи ортиб бораётган шароитда товуқ кроссларининг иммунологик барқарорлигини ўрганиш жаҳон ветеринария амалиётининг устувор йўналишларидан бирига айланди”¹. Дунё бозорида юқори маҳсулдор ва касалликларга чидамли кроссларга бўлган талабнинг ортиши товуқ кроссларининг морфофизиологик ва иммуноадаптив хусусиятларини чуқур илмий ўрганишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз паррандачилигида соҳани интенсив ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижасида паррандалар сони ортиб, статистик маълумотларга кўра, “2025 йил ҳолати бўйича уй паррандаларининг сони 110 миллион бошга етган ва бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,7 фоизга кўпдир”². Тухум йўналишидаги паррандачилик асосан хориждан келтириладиган маҳсулдор товуқ кросслари ҳисобига таъминланади. Шу муносабат билан минтақамиз учун оптимал кроссларни танлаш ҳамда келгусида уларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини янада яхшилаш мақсадида товуқ кроссларининг морфофизиологик ва иммуномослашув хусусиятларини ўрганиш, иқлимий мослашувчанлиги ва

¹ <https://portal.nifa.usda.gov/web/crisprojectpages/0224429-adapting-chicken-production-to-climate-change-through-breeding>.

² <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/50962-respublikada-mavjud-parrandalar-bosh-soni>

юкумли касалликларга чидамлилигини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги №ПҚ-397-сон “Ветеринария тўғрисида” ги қонуни, 2022 йил 28 январдаги “2022–2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги³ ПФ-60-сон фармони, 2018 йил 13 ноябрдаги “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4015-сон, 2021 йил 14 июндаги “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-5146-сон, 2022 йил 24 январдаги “Паррандачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-100-сон ҳамда 2022 йил 31 мартдаги “Ветеринария соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-187-сон қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устивор вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тухум ва гўшт йўналишидаги товукларнинг морфологик ҳамда иммуномослашувчанлик хусусиятларини ўрганиш, уларнинг иқлимга мослашувчанлиги ва юкумли касалликларга чидамлилигини аниқлаш бўйича кенг камровли илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Бундай тадқиқотлар хорижлик муаллифлар S. Wlaźlak, E. Pietrzak, J. Biesek, A. Dunisławska, S. Schmucker, T. Hofmann, V. Sommerfeld, шунингдек, МДХ мамлакатлари олимлари А.М. Петухова, К.М. Осипова, Г.А. Дмитриева, И.С. Решетников, В.Ф. Вракин, М.В. Сидорова, В.И. Фисинин, Б.Ф. Бесарабов ҳамда маҳаллий олимлар Ф.А. Ниязов, Х.К. Бурхонова, И.Д. Бурлуцкий, Б.Н. Ахмедов, Э. Махсудалиев, С.А. Кубаева ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Бироқ, хориждан олиб келинаётган юқори махсуддор товук кроссларининг мамлакатимиз парранда фабрикалари ва кластерлари шароитида маҳаллий иқлимга мослашувчанлиги ҳамда инфекцион касалликларга чидамлилиги ҳали тўлиқ даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари 2021-2025 йилларда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнология университетининг “Чимкўрғон паррандалари” паррандачилик хўжалиги билан тузилган “Ўзбекистонга олиб кирилатган товук кроссларининг морфологик ва иммуномослашувлик

³ <https://lex.uz/ru/docs/5858730>

кўрсаткичларини ўрганиш” (шартнома рақамлари №6, 09.10.2023 й. ҳамда №144, 01.04.2025 й.) хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонга олиб кирилаётган, саноат асосида ҳамда кичик ва оилавий паррандачилик хўжаликларида боқилаётган иссиқ, совуқ, куруқ ва нам иқлимга мослашган товуқ кроссларининг морфофизиологик ва иммуномослашув кўрсаткичларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Тухум йўналишидаги товуқ кроссларининг экстерьер ва интерьер кўрсаткичлари, вазилилик ва кенгтаналик каби индекслари фарклари ҳамда унинг махсулдорлик кўрсаткичлари билан боғлиқлигини аниқлаш;

товуқ кроссларининг физиологик кўрсаткичлари (нафас олиш, юрак уриши ва тана ҳарорати)даги, туллаш даври ва махсулдорлик кўрсаткичлари бўйича фарқларини аниқлаш;

ИФА иммунологик ташхис усули орқали товуқларнинг Ньюкасл касаллиги ва инфекцион бронхитга қарши вакцинациядан олдинги ва кейинги ҳосил бўлган антитаналарнинг миқдорини аниқлаш асосида иммуномослашувлик даражаси фарқларини ўрганиш;

Агглютинация реакцияси (РА) усули ёрдамида товуқ кроссларининг *Salmonella* ва *Pasteurella* ларга қарши табиий антитана титрларини аниқлаш;

саноатлашган ва кичик оилавий паррандачилик хўжаликларида энг мослашувчан товуқ кроссларини парваришлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти тажриба ўтказилган паррандачилик хўжаликларидаги хориждан олиб кирилаётган Декалб Уайт, Декалб Тиндес, Ломан Сенди, Ломан ЛСЛ ва Ломан Браун кроссларининг ҳар хил ёшдаги жўжалари, улардан олинган қон намуналари ва ички органлари бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот предмети сифатида турли товуқ кроссларининг экстерьер ва интерьер кўрсаткичлари, нафас олиш, юрак уриши ва тана ҳарорати каби физиологик кўрсаткичлари, ҳазм қилиш органларининг морфометрик параметрлари, товуқ қон зардобларининг серологик ва ИФА таҳлил натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари. Илмий тадқиқотларни бажаришда морфологик, клиник, иммунологик, серологик, микробиологик ва математик-статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидалардан иборат:

Илк бор Ўзбекистонга олиб кирилаётган тухум йўналишидаги товуқ кроссларининг махсулдорлик қобилятини ифодаловчи морфофизиологик кўрсаткичлари ўрганилиб, тана тузилиши индексларидаги морфологик фарқларига кўра, Декалб Тиндес, Ломан ЛСЛ ва Ломан Сенди кросслари юқори кўрсаткичга эга эканлиги аниқланган;

пиноцитоз жараёни фаоллигини баҳоловчи товуқ кроссларининг ҳазм органларининг морфометрик кўрсаткичларини ўрганиш натижасида Декалб Тиндес ва Декалб Уайт кросслари бошқа кроссларга нисбатан устун эканлиги исботланган;

вирусли касалликларга қарши товук кроссларининг вакцинациядан олдинги ва кейинги гуморал иммун жавоби ИФА иммунологик таҳқиқ усулини қўллаш орқали антитана титрлари ўрганилганда, Ньюкасл касаллигига Ломан ЛСЛ кросси (41165) ва инфекцион бронхитга Деклаб Тиндес (10160) кросси юқори антитана титрларини намоён этиши аниқланган;

товук кроссларининг бактериял инфекцияларга қарши ирсий иммунологик барқарорлиги ва табиий чидамлилигини бўйича табиий антитана титрлари серологик усулда аниқланганда, *Salmonella* га қарши энг юқори табиий чидамlilik Декалб Тиндес кроссида (1:142) ва *Pasteurella* га қарши чидамlilik эса Декалб Тиндес ва Декалб Уайт кроссларида (мас равишда 1:63) энг юқори табиий антитана титрлари аниқланган.

Таҳқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Таҳқиқотлар натижасида саноатлашган ва кичик оилавий паррандачилик хўжаликларида энг мослашувчан товук кроссларини парваришлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

товукларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва саноат асосида ривожланган парранда фабрикаларида товук гўшти ва тухум ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида мамлакатимиз иқлим шароитига мослашган ҳамда иқлим ўзгаришларига морфофизиологик жиҳатдан бардошли кросслардан фойдаланиш тавсия этилган;

саноат асосида ривожланган парранда фабрикаларида Ньюкасл касаллиги ва инфекцион бронхитга қарши товукларнинг эмлашдан кейинги иммунитет, шунингдек, *Salmonella* ва *Pasteurella* ларга қарши табиий иммунитет даражасини аниқлаш орқали ушбу касалликларга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича ишлаб чиқаришга тавсиялар берилган.

таҳқиқотларда товук кроссларининг маҳаллий иқлим ва сақлаш шароитига мослашув қобилиятидан келиб чиққан ҳолда мослашувчанлик даражаси комплекс баҳоланиб, юқори барқарор ва иқтисодий самарали зотларни танлаб олиш учун амалий тавсиялар берилган.

Таҳқиқот натижаларининг ишончлилиги ишнинг янги замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, морфологик, клиник, иммунологик, серологик, микробиологик услублардан фойдаланиш ва рақамли маълумотларга статистик ишлов бериш, шунингдек, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, таҳқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, шунингдек, лаборатория ва ишлаб чиқариш тажрибаларининг далолатномаларга асосланганлиги, олинган натижаларнинг мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳоланиши билан исботланган.

Таҳқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Таҳқиқотнинг илмий аҳамияти товук кроссларининг экстерьер ва интерьер кўрсаткичларини ўрганиш ҳамда ҳазм органлари яхши ривожланган айрим товук кроссларининг ичакларида пиноцитоз жараёни орқали *Salmonella* ва *Pasteurella* инфекцияларига нисбатан барқарорликнинг ошиши турли товук кроссларида ҳазм қилиш тизими морфофизиологик кўрсаткичларидаги фарқлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ньюкасл касаллиги ва инфекцион бронхит каби асосий инфекцион касалликларга қарши товукларда вакцинациядан олдин ва кейин антитана титрларини аниқлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, *Salmonella* ва *Pasteurella* инфекцияларига қарши организмда шаклланадиган табиий иммунитет титрларини серологик усулда баҳолаш бўйича тавсиялар берилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Ўзбекистонга келтириладиган товук кроссларининг морфофизиологик ва иммуномослашув кўрсаткичларини тадқиқ этиш” мавзусидаги илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

“Ўзбекистонга келтириладиган товук кроссларининг морфофизиологик ва иммуномослашувлик кўрсаткичларини ўрганиш бўйича тавсиянома” ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2025 йил 2 октябрдаги 02/23-681-сонли маълумотномаси). Натижада мамлакатимиз иқлим шароитига тўлиқ мослашган, маҳсулдорлик кўрсаткичлари стандарт кўрсаткичларга жавоб берадиган товук кроссларидан фойдаланиш тавсия этилиб, саноат асосида ривожланган парранда фабрикалари ва кластерларда мазкур кроссларни боқиш орқали маҳсулдорлик кўрсаткичларини оширишга эришилган;

товукларнинг Ньюкасл касаллиги ва инфекцион бронхитга қарши вакцина самарадорлиги ва унинг таъсирини баҳолашда вакцинациядан олдин ва кейин антитана титрлари ИФА усулида аниқланиб, уларнинг кросслар бўйича қиёсий баҳолаш усули жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2025 йил 2 октябрдаги 02/23-681-сонли маълумотномаси). Натижада товукларни касалликларга вакцинация муддатларини белгилаш ва вакцинациядан кейинги гуморал иммунитет жавоб даражасини баҳолаш имконияти яратилган;

товук кроссларининг *Salmonella* ва *Pasteurella* инфекцияларига қарши табиий иммунитет титрларини Агглютинация реакцияси (АР) усули билан аниқлаш амалга оширилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2025 йил 2 октябрдаги 02/23-681-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида мамлакатимизга олиб кириладиган товук кроссларида саноат паррандачилиги ва кластерлар шароитида инфекцион касалликларга қарши самарали профилактика ва қарши курашиш тадбирларини такомиллаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шулардан 6 та мақола Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган,

жумладан 2 та хорижий, 4 та республика илмий журналларда чоп этилган. Шунингдек, олинган натижалар асосида 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида диссертация мавзуси юзасидан ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда тадқиқот объект ва предметлари тавсифланган. Тадқиқот мавзусининг Республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги асосланган. Шунингдек тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, илмий тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқариш амалиётига жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар таҳлили”** деб номланган биринчи боби тўрт қисмдан иборат бўлиб, унда хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан мавзу бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари кенг таҳлил қилинган. Ушбу бобнинг биринчи қисми **“Товуқларнинг асосий экстерьер кўрсаткичлари”** деб номланади. Унда товуқларда тананинг узунлиги, маклоклардаги тос кенглиги, болдир, тўш суяги, вазнлилик ва кенг таналик индекслари, қанотлар, тож ва сиргаси, тумшук ва панжа узунлиги бўйича морфологик кўрсаткичлари, пар ва пат қоплами тузилиши ва туллаш каби белгилари ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, яхши тухум берадиган товуқларни танлаш тамойиллари баён этилган. Бобнинг иккинчи қисми **“Товуқларнинг асосий интерьер кўрсаткичлари”** деб номланади ва унда нафас олиш, юрак-қон айланиш тизими, тана ҳарорати каби морфофизиологик параметрлар, ҳазм тизимига оид маълумотлар ичакнинг узунлиги ва массаси, мускулли ошқозон ҳажми, тимус ва бурса безларининг ҳолатини ўрганган олимлар тадқиқот натижалари келтирилган. Учинчи қисми эса **“Иммун жавобнинг генетик назорати”** деб номланиб, турли хайвонларда иммун тизими учун жавоб берадиган генлар, уларнинг таъсир механизмларини белгилайдиган асосий иммунологик феноменлар ҳамда генетик нуқсонларни фенотипик тузатиш йўллари ҳақида таҳлилий адабиёт маълумотлари баён этилган. Охирги тўртинчи қисми эса **“Иммунологик намоён бўлувчи генетик ва фенотипик маркерлар”** деб номланиб, иммун жавоб самарадорлигининг генлараро ва ген ичидаги ўзаро таъсирлар орқали шаклланиши, бу жараёндаги бузилишлар касалликнинг ноқулай кечишига сабаб бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Шунингдек, иммун жавоб учун жавоб берадиган генларнинг экспрессия хусусиятлари таҳлил қилинган. Қишлоқ хўжалик хайвонларининг ҳар хил турларида геном элементлари билан иммунмосла-

шув жавоб даражаси ўртасидаги боғланишлар бўйича амалга оширилган тадқиқотлар генетик яхшилаш дастурларини амалга ошириш ва фан ривожланиши учун мустаҳкам илмий асос яратиб берганлиги ёритилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Тадқиқот объектлари ва усуллари”** деб номланиб, у тадқиқотнинг ўтказилган жойи, объекти ва усуллари ҳақида маълумотларни ўз ичига олади. Тадқиқотлар 2021-2025 йиллар давомида Самарқанд давлат ветеринария медицинаси чорвачилик ва биотехнологиялар университети, Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги “Абдуллаев Мусо”, Жомбой туманидаги “Уктам”, Пастдарғом туманидаги “Дарғом парранда Файз” МЧЖ, Оқдарё туманидаги “Зарафшон Ломан парранда” МЧЖ паррандачилик кластер ва паррандачилик хўжаликларида ўтказилган. Шунингдек, Самарқанд туманидаги “Mironqul agrozoovetservis ilmiy-amaliy markazi” МЧЖнинг паррандахонасида ҳам тадқиқот ишлари амалга оширилган. Лаборатория таҳлиллари Ветеринария илмий тадқиқот институтининг “Микробиология” ва “Сиёб Шавкат Орзу” лабораториясида ўтказилган.

Товуқларнинг экстерьер кўрсаткичлардан пар ва пат тузилиши ранги визуал усулда аниқланган. Товуқларнинг вазнлилик индекси ва кенгтаналик индекси ҳисоблаб чиқилган. Бунда вазнлилик индекси тананинг узунлиги билан оғирлиги нисбати орқали аниқланган, кенгтаналик индекси эса маклок дўнглиги ва тос кенглиги билан тананинг узунлиги нисбати орқали ҳисобланган. Барча ўлчовлар оддий сантиметрли лента ва циркуль ёрдамида бажарилган. Тананинг узунлиги охириги бўйин умуртқасидан то дум қисмигача бўлган масофа сифатида аниқланган.

Товуқларнинг интерьер кўрсаткичлардан мускулли ошқозон оғирлиги ва ингичка ичак узунлиги товуқларнинг оч ҳолатидаги тирик вазн билан нисбатида баҳоланган. Ингичка ичак узунлиги мускулли ошқозоннинг пилорик қисмидан то кўр ичаклар тўғри ичакка қўшилган жойгача бўлган масофа сифатида аниқланган.

Товуқ кроссларининг иммуномослашувчанлигининг махсус кўрсаткичлари сифатида Ньюкасл касаллиги ва инфекцион бронхитга қарши вакцинациядан кейинги антитаначалар титрлари ҳамда сальмонеллез ва пастереллезга қарши табиий антитанача титрлари аниқланган. Ньюкасл касаллиги ва инфекцион бронхитга қарши антитаначалар титри иммунофермент таҳлил (ИФА) усули орқали аниқланган, сальмонеллез ва пастереллезга қарши антитаначалар титри эса агтлютинация реакцияси (РА) усулида, хусусан Райт реакцияси ёрдамида белгиланган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистонга келтириладиган тухум йўналишидаги товуқ кроссларининг экстерьер ва интерьер кўрсаткичлари”** деб номланган. Унда товуқларнинг пар тузилишидаги кросслараро фарқлар ўрганилган. Тухум қўядиган товуқларда туллаш даври фойдали ва муҳим жараён ҳисобланиши, у орқали товуқ организми янгиланиши, оксил ишлаб чиқариш куйайиши ва моддалар алмашинуви тезлашиши изоҳланган. Бу жараён тўғри ва осон кечиши учун сақлаш шароити ҳамда ем-хашак базасига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган. Туллаш товуқларга синган ёки емирилган парларини янгилаш учун зарурлиги ва

кўпчилик товуқ турларида туллаш йилига бир марта, айрим ҳолларда эса икки марта содир бўлиши қайд этилган.

Учинчи бобнинг иккинчи қисми “Кросслар танаси тузилиши индексларидаги фарқлар” деб номланиб, бу бўлимда товуқларнинг морфобиологик кўрсаткичларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари баён этилган. Унга кўра, товуқларнинг тирик вазни бўйича энг паст кўрсаткич Декалб Уайт кроссида 1557,8 г, энг юқори кўрсаткич эса Декалб Тиндес кроссида 1995,0 г ни ташкил этган. Ўртача ойлик вазн ошиши энг паст Декалб Уайтда 94,1 г, энг юқори Декалб Тиндесда 161,9 г бўлган. Тананинг узунлиги бўйича тажриба бошидаги энг кичик кўрсаткич Декалб Уайтда 17,0 см, кейин Декалб Тиндес – 17,1 см, Ломан ЛСЛ – 17,3 см, Ломан Сенди – 17,5 см ва энг юқори Ломан Браун – 18,2 см бўлган. Тажриба охирида бу кўрсаткичлар мос равишда: Ломан ЛСЛ – 18,2 см, Декалб Уайт – 19,2 см, Декалб Тиндес – 20,2 см, Ломан Сенди – 21,2 см ва Ломан Браун – 21,7 см ни ташкил этган.

Тананинг энг муҳим ўлчамларидан бири - тос кенглиги бўлиб, тажриба бошида Декалб Тиндесда 8,4 см, Декалб Уайтда 8,15 см, Ломан ЛСЛда 8,4 см, Ломан Браунда 9,3 см ва энг юқори Ломан Сендида 9,4 см бўлган. Тажриба охирида бу кўрсаткичлар Декалб Уайтда – 10,1 см, Ломан ЛСЛ – 10,8 см, Декалб Тиндес – 11,0 см, Ломан Сенди – 11,5 см ва Ломан Браун – 11,5 см ни ташкил этган. Тажриба давомида тос кенглиги ўзгариши миқдори Декалб Уайтда 1,6 см, Декалб Тиндесда 2,6 см, Ломан ЛСЛда 2,1 см, Ломан Сендида 2,4 см ва Ломан Браунда 2,2 см бўлган.

Ушбу бобнинг учинчи қисми “Товуқ кроссларининг вазнлилик ва кенгтанаalik индексларини аниқлаш” деб номланиб, унда сантиметрли лента ёрдамида тананинг индекс кўрсаткичлари ўлчаш натижалари берилган. Тадқиқотлар товуқларнинг 5 ойликдан 10 ойликкача бўлган даврда қулай шароитда олиб борилган. Вазнлилик индекси бўйича ўртача кўрсаткичлар ҳисобланганда, Декалб Тиндес юқори ўринни эгаллаб, ўртача 75,7 г/смни ташкил этган. Кейин Ломан ЛСЛ - 73,9 г/см, Ломан Браун - 73,2 г/см, Декалб Уайт - 70,2 г/см ва энг паст кўрсаткич Ломан Сенди - 64,7 г/см бўлган. Кенгтанаalik индекси бўйича энг юқори кўрсаткич Ломан Сендида 54,4%, кейин Ломан ЛСЛ – 53,0%, Ломан Браун – 52,9%, Декалб Тиндес – 52,0% ва Декалб Уайт – 51,1% ни ташкил этган.

Учинчи бобнинг тўртинчи қисми “Ўзбекистонда келтирилаётган тухум йўналишидаги товуқ кроссларининг интерьер кўрсаткичлари” деб номланиб, унда физиологик параметрларни ўрганиш тадқиқотлари олиб борилган. Тананинг ҳарорат кўрсаткичларини ўлчаш натижасида аниқландики, физиологик тебранишлар меъёрдан четга чиқмаган ва суткалик ритм сақланиб қолган: эрталабки ва кечки ҳарорат орасидаги фарқ 0,5–1,2°C ни ташкил этган.

Тадқиқотда ўрганилаётган товуқ кроссларининг юрак уриш частотасини аускультация усулида ўрганишда фонендоскопдан фойдаланилган. Бир дақиқада юрак уришлари сони ҳисобланган, меъёр бўйича у 180 дан 440 мартагача бўлиши баён этилган. Тадқиқот натижалари шундан далолат

бердики, товукларнинг юрак уриш частотаси ҳам ёз, ҳам киш фаслларида меъёрдан четга чиқмаган.

Ушбу қисмда ошқозон-ичак тизими органлари ўлчамларининг кроссларда фарқлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган бўлиб, унда организмнинг ички физиологик ва морфологик хусусиятлари, яъни унинг конституцияси ва маҳсулдорлик йўналиши билан чамбарчас боғлиқ жиҳатларини ўз ичига олган. Тадқиқот натижаларига кўра, озукавий моддалар билан бирга пиноцитоз жараёни орқали бактериялар ҳам ютилиш эҳтимоли борлиги тахмин қилинган. Шу боис пиноцитозни махсус бўлмаган фагоцитоз шаклларида бири сифатида қараш мумкинлиги таъкидланган. Шу нуқтаи назардан товукларнинг ошқозони орқали юқумли касалликларга, ҳатто юқори патоген сальмонелла штаммлари билан зарарланганда ҳам чидамли бўлишини сабаби тушунарли даражада қайд этилган. Шундай қилиб, оқ тусли товук кроссларида пиноцитоз жараёни фаолроқ бўлиб, бу уларнинг сальмонеллез инфекциясига чидамлилигини таъминлаши исботланган.

Товукларнинг мускулли ошқозони бўйича кўп маротаба ўтказилган тадқиқотлар натижасида аниқланганки, Декалб кроссида Ломан кроссли товукларга нисбатан тирик вазни камроқ бўлса ҳам, аммо мускулли ошқозони каттароқ массага эгаллиги аниқланган. Декалб Тиндес кроссида мускулли ошқозоннинг ўртача массаси 31,4 г, Декалб Уайтда - 31,6 г, Ломан Сенди - 30,2 г, Ломан ЛСЛ - 25,4 г ва Ломан Браун - 29,3 г ни ташкил этган.

Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, Декалб кроссларида Ломан кроссларига нисбатан ҳазм органлари кучли ривожланган. Агар мазкур кўрсаткичларни тананинг умумий вазнига нисбатан олганда, Декалб Уайт - 1,8%, Ломан Сенди - 1,7%, Ломан ЛСЛ - 1,6%, Декалб Тиндес - 1,5% ва энг паст кўрсаткич Ломан Браунда - 1,2% эканлини қайд этилган. Демак, бу нисбатлар ҳам оқ тусли товук кросслари фойдасига шаклланиши билан изоҳланган. Товук кроссларининг мускулли ошқозонларини ультратовуш текшируви (УЗИ) ёрдамида аниқланган чизиқли ўлчамлар қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Товук кроссларининг мускулли ошқозон ҳажм кўрсаткичлари, см²

№	Товуклар сони	Стат. таҳлили	Декалб Уайт	Декалб Тиндес	Ломан Сенди	Ломан ЛСЛ	Ломан Браун
1	5	M±m	10,9±0,93	9,8±0,68	7,9±0,44	7,2±0,28	7,3±0,22

Диссертациянинг “Ньюкасл касаллигига қарши вакцинациядан кейинги антитана титрларининг кросс бўйича фарқлари” деб номланган тўртинчи бобининг биринчи қисми инфекцион касалликларга қарши вакцинадан кейинги ва табиий антитана титрларининг кросслар бўйича фарқларини ўрганишга бағишланган. Ушбу қисмда тадқиқот учун Декалб Уайт, Декалб Тиндес, Ломан Сенди, Ломан ЛСЛ ва Ломан Браун кроссларига

мансуб 30 тадан товуқ қон зардоби намуналари 14, 21 ва 28 кунлик муддатларда Иммунофермент анализ (ИФА) иммунологик усули ёрдамида ҳосил бўлган антитана титри текширилган ва Ньюкасл касаллигига қарши манфий натижа қайд этилган. Кейинчалик ушбу кросслар товуқлари эмланганидан сўнг қон зардоби таҳлили ўтказилган. Таҷрибада кросслар бўйича ИФА натижалари, вакцинация–ревакцинациядан кейинги гуморал иммун жавобнинг шаклланиши, титрлар динамикаси ва кросслар ўртасидаги иммунобиологик фарқлар асосида илмий таҳлил берилган (жадвал №2).

Жадвалда 5 та товуқ кроссларида вакцинация–ревакцинациядан кейинги ИФА антитана титрлари (*OD/титр қийматлари*) келтирилган. 14–30 кунгача барча кроссларда титрлар салбий, бу эмланмаган ёки иммунитет ҳали шаклланмаган даврни англатади. Эмлаш 30–кун ўтказилган, қучли гуморал иммунитет эса 10–14 кундан кейин, яъни 42–50– кунларда кузатишган.

Декалб Уайт кросси бўйича таҳлил шуни кўрсатадики, вакцинациядан кейинги реакция 42–кунда титрлар турлича (2807–1135–495) бўлиб, иммун жавобнинг бошланиши, ревакцинациядан сўнг юқори кўрсаткичлар (24137–11221–28730–19546–23743–20040, ўртача 21236), яъни қучли гуморал иммунитет шаклланган. Декалб Уайтда иммун жавоб бир маромда бўлмасдан, индивидлар орасида титр фарқи катта эканлиги, бу кроссда иммуногенлик ўрта–юқори даражада, лекин бир текис эмаслиги – генетик ва физиологик индивидуаллик билан боғлиқлиги аниқланган.

Декалб Тиндес кросси бўйича натижалар 42–кунларда титрлари 764, 13341, 2079, 878, 10792, 3733, ўртача 5264, ревакцинациядан кейин 9016–40708, ўртача 26100 каби юқори титрлар аниқланган. Ушбу рақамлар шуни кўрсатадики, бу кроссда титрлар юқори, иммун жавоби барқарор ва интенсив, умумий ўрта титр Декалб Уайтга нисбатан юқорироқ, аммо айрим индивидларда ўзгарадиган индивидуал реакциялар ҳам кузатишган. Демак, Декалб Тиндесда вакцинацияга иммун жавоб яхши шаклланади, гуморал иммунитет натижанинг юқори барқарорлиги билан ажралиб туради.

Ломан Сенди кросси бўйича ушбу кўрсаткичлар 42–кунда титрлари 628, 741, 24, 15872, 628, 517 ўртача 3129 ни намойён этган. Бу кроссда эътиборли ўзгаришлар айрим жўжаларда жуда паст титрлар (24–517–628), баъзида жуда юқори (15872–32426, ўртача 19753) бўлиши аниқланган. Ломан Сендида иммун жавоб жуда вариатив, барқарор эмаслиги, бу кроссда иммун реактивлик паст–ўрта даражада, генетик гетерогенлик юқори эканлиги аниқланган.

Ломан ЛСЛ кроссида титр кўрсаткичлари жуда паст, яъни 42–кунда вакцинациядан кейин 364, 176, 7, 59, 217, 9241 ўртача 1677 бўлиб, ревакцинациядан кейинги титр кўрсаткичлари эса 41195, 46171, 30226, 47080, 41008, 41270 ўртача 41165 бўлган. Вакцинациядан кейинги биринчи фазада жавоб жуда паст, деярли реакция йўқ эканлиги, ревакцинациядан кейин тўсатдан жуда юқори титрлар кузатишган. Ломан ЛСЛ кроссида бирламчи иммун жавоб суст, аммо ревакцинациядан кейин кўтарилган, қучли

иккиламчи иммун жавоб шаклланган. Бу кросс ревакцинацияга энг яхши реакция қилувчи кросслардан бири сифатида изоҳланган.

Ломан Браун кросси бўйича таҳлилда титрлар 385, 1267, 186, 9245, 457, 621, ўртача 2026 бўлган бўлиб, иммун жавоб ўрта даражада, барқарорлиги паст. Ревакцинациядан кейинги титрлар ўртача 9245 каби юқори бўлса-да, аммо ўртача титр Ломан ЛСЛга нисбатан паст эканлиги қайд этилган. Шунинг учун, Ломан Браунда гуморал иммун жавоб ўртача кўрсаткичга эга бўлиб, барқарор эмаслиги ва индивидуал фарқлар ҳам юқори эканлиги аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал

Ньюкасл касаллигига қарши эмлангандан кейинги антитана титрларининг кросслар бўйича фарқлари (n=6)

Кросслар	ИФА тести вақти											
	14-кун	21-кун	28-кун	30-кун	42-кун	50-кун	64-кун					
Декалб Уайт	Салбий	Салбий	Салбий	Вакцинация	3011	Ревакцинация	24137					
					495		11221					
					451		28730					
					2807		19546					
					1135		23743					
					786		20040					
					1447		21236					
764					32794							
13341					9016							
2079					28402							
878					30226							
10792					15457							
3733					40708							
5264					26100							
628					24712							
741					11998							
24					32426							
15872					14698							
628					21600							
517					13086							
3129					19753							
364					41195							
176					46171							
7					30226							
59					47080							
217					41008							
9241					41270							
1677					41165							
385	21356											
1267	13678											
186	35432											
9245	12378											
457	10345											
621	9543											
2026	17122											
Декалб Тиндес	Салбий	Салбий	Салбий	Вакцинация		Ревакцинация						
Ломан Сенди					Салбий		Салбий	Салбий	Вакцинация		Ревакцинация	
Ломан ЛСЛ	Салбий	Салбий	Салбий	Вакцинация						Ревакцинация		
Ломан Браун					Салбий	Салбий	Салбий	Вакцинация			Ревакцинация	

Тўртинчи бобнинг иккинчи қисми “Инфекцион бронхит касаллигига қарши эмлангандан кейинги антитана титрларининг кросслар бўйича фарқлари” деб номланган. Ушбу тадқиқотларда янги очиб чиққан жўжаларда инфекцион бронхит касаллигига қарши титрлари миқдори аниқланиб, уларда туғма иммунитет мавжудлиги исботланган. Ушбу бобда ИФА текшируви натижасида бешта кросс бўйича ИФА титрлари динамикаси асосида илмий таҳлил келтирилган. Таҳлил кросслар бўйича ўртача титрлар, иммун жавобнинг шаклланиш босқичлари, кросслар орасидаги фарқлар ва уларнинг иммунобиологик аҳамияти асосида ёзилган.

Декалб Уайт кросси товукларида туғилгандан кейинги биринчи тажрибанинг 14-кундаги титрлар жуда юқори (117–2746), 21–42 кун оралиғида энг паст титрлар қайд этилган (ҳатто 14–23 бирликкача), 64-кунда титрлар кескин ошган (633–6064). Ушбу кроссда иммун жавоб ўзгарувчан бўлиб, аммо ИБК антигенларига жуда сезгирлиги қайд этилган. Бу кросснинг иммун реактивлиги яхши, лекин титрлар барқарор бўлмаган. Бу ҳолат юқори метаболизмга эга оқ рангли кросслар учун хос кўрсаткич сифатида қайд этилган.

Декалб Тиндес кроссидаги титрларнинг таҳлили текширилган 30 та намунадан 14 таси манфий, 16 таси мусбат бўлиб, бу кросс бўйича натижалар 14-кунда титрлар ўртача юқори (1267–3098), 21–42 кун оралиғида сезиларли тебранишлар кузатилган, 64-кунда тажрибадаги бошқа кросслар ичида энг юқори титрлар (2539–10160) аниқланган. Олинган натижаларга кўра, Декалб Тиндес энг иммунбарқарор ва энг кучли гуморал жавоб кўрсатувчи кросс сифатида изоҳланган ва ундаги жуда юқори титрлар бу кросснинг кучли ирсий иммунитетига, юқори адаптив потенциали ва вакцина антигенларига сезгирлиги мавжудлигини кўрсатади. Бу кросс инфекцион бронхитга нисбатан энг чидамли кросслардан бири сифатида изоҳланган.

Ломан Сенди кроссида 30 та намунадан 16 таси манфий, қолган қисми мусбат натижа кўрсатган бўлса, ушбу кроссда 14-кунда ўрта даражадан юқори титрлар (730–2090), 28–42 кун оралиғида титрлар жуда паст (2–71 бирликкача), 64-кунда титрларнинг кескин ошиши (2045–7889) аниқланган. Ломан Сенди кроссида иммун жавобнинг кескин пасаяувчи-фавқулодда кўтарилувчи динамикаси мавжудлиги, бу уларнинг иммун тизими вакцинанинг такрорий антигенига кучли жавоб қайтаришини кўрсатиши исботланган.

Ломан ЛСЛ кроссида текширилган 30 та намунадан ярми манфий, ярми (15 та) мусбат натижа кўрсатган. Ломан ЛСЛ кроссида 14-кунда жуда юқори титрлар (1031–2902), 21–42-кун оралиғида кескин пасайиш (ҳатто 14 бирликкача), 64-кунда ўртача-юқори титрлар (1187–5224) намоён бўлган. Ломан ЛСЛ кросси юқори бошланғич иммунитет ва ўртача иккиламчи жавобга эга бўлсада, динамика бўйича барқарор эмас, аммо вакцина антигенларига сезгирлиги яхши эканлиги исботланган.

Ломан Браун кроссидаги натижалар 14 - кунда ўртача титрлар (245–973), 21–42-кун оралиғида энг паст титрлар (13 – 45) ва 64 - кунда титрлар ошгани, лекин бошқа кроссларга нисбатан паст (1546–3421) эканлиги

аниқланган. Натижалар асосида Ломан Браун кросси энг паст иммун кўрсаткичга эга кросс бўлиб, бу кроссда гуморал иммун жавоб сушт, пасайишга мойил, иккиламчи иммун жавоб кучсизроқ ҳамда бу кросснинг ирсий иммун реактивлиги паст эканлигини аниқланган (3-жадвал).

3-жадвал

ИБК (инфекцион бронхит) касаллигига қарши эмлангандан кейинги антитана титрларининг кросслар бўйича фарқлари (n=6)

Кросслар	ИФА тести вақти				
	14-кун	21-кун	28-кун	42-кун	64-кун
Декалб Уайт	1938	477	193	23	1187
	2281	312	174	23	6064
	995	177	231	440	2045
	506	155	118	23	2592
	2746	513	82	91	3389
	117	40	30	14	633
	1430	279	138	614	2651
Декалб Тиндес	1432	31	155	37	7372
	3098	267	639	37	4011
	2205	347	100	10	10160
	1432	647	47	32	2539
	1267	312	174	522	3524
	1637	1580	193	46	4669
	1845	577	218	684	5379
Ломан Сенди	1194	745	82	66	7347
	730	199	14	23	2096
	2090	244	30	28	4367
	1843	144	555	32	7889
	1249	199	155	71	2045
	1249	40	136	2	2408
	1392	261	161	37	4358
Ломан ЛСЛ	2804	267	290	743	1187
	1031	406	82	42	2434
	372	561	212	32	2019
	2902	1111	30	14	5224
	2707	123	193	42	2045
	1712	2169	212	18	3524
	1921	772	169	148	2738
Ломан Браун	726	134	182	13	2435
	689	356	112	45	1546
	902	678	350	21	3421
	567	687	93	34	2323
	973	134	212	26	1879
	245	978	62	15	2543
	683	494	168	25	2357

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқ этилган бешта кросс товукларда инфекцион бронхитга қарши туғма иммунитет мавжуд бўлиб, у вақт ўтиши билан суниб боради.

Тадқиқот натижаларига кўра, барча кросслар бўйича ўртача титр микдорининг энг паст кўрсаткичи Ломан Браун кроссида аниқланган, энг юқори титр эса Декалб Тиндес ва Ломан Сенди кроссларига тегишли бўлиб, бу ок тусли кросс товукларнинг юқори барқарорлигидан далолат беради (3-жадвал).

